

# ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНING XXII СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

## ҚИШЛОҚ ХАКЖАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин

1990 йил 6 июнь

ЧОРШАНБА

№ 128 (4921)

### Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди тўғрисида АХБОРОТ

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди 5 июнь кuni Тошкент шаҳрида ўз ишнни давом эттирди.

Марказий Комитетнинг Сиёсий маърузасини ва Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини муҳокама қилиш юзасидан музокараларда Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи котиби П. М. Абдурахмонов, Ўзбекистон касаба уюмлари кенгашининг раиси Ҳ. Алимова, Наманган уйсозлик комбинатининг бошлиғи А. Икромов, Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби А. Р. Отажонов, Андижон вилоят уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси Т. Р. Қаримова, Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсанов, Тошкент вилоятининг Тошкент районидagi «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхоз сўт-соғувчиси М. Исоқова, Хоразм вилоятининг Хива районидagi 20-болалар уйи директори В. Б. Пак, Сурхондарё вилояти Сарносиё район партия комитетининг биринчи котиби И. Суннатов, «Экономика и жизнь» журнали бош муҳаррири вазифасини ижро этувчи И. М. Хушев, Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондони И. В. Фуженко, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий комитетининг биринчи котиби А. Н. Носиров, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ижроия комитети Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Т. Ризаев, «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Ф. Фуломмаҳмудов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов яқунловчи нуқт сўзлади. У делегатлардан тушган бир қанча саволларга жавоб қайтарди.

Съезд Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий комитетининг ҳисобот давридаги ишнни қоникарли, деб топди ва Марказий Комитетнинг кейинги вақтда ўтказайтган сиёсий йўлини маъқуллади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезидга Марказий Комитетининг Сиёсий маърузаси, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съезидга «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳалари юзасидан резолюциялар қабул қилинди.


Съезд Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг ҳисобот маърузасини тасдиқлади.

Съезд делегатларнинг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги масалага оид таклифи юзасидан резолюция қабул қилди.



Съезд Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. «Ўзбекистон Компартияси, Назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги низо» тасдиқланди.

Сўнгра съезд кун тартибидagi навбатдаги масалани кўриб чиқишга — Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Назорат-тафтиш комиссиясини сайлашга ўтди.

Съезд ўз ишнни давом эттирмакда.



Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезидида. Сўрагларни махсус мухбиримиз В. МОЛГАЧЕВ олган.



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ, ДЎСТЛИГИМИЗ ВА ҚАРДОШЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК!

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг коммунистларга, жумҳуриятнинг барча халқларига

### МУРОЖАТИ

Қадри ўртоқлари! Муҳтарам юртдошлар, ватандошлар! Мамлакатимиз гоёт оғир аҳволи бошидан кечиратир. Қайта қуриш жараёни давом этмоқда, сизга фикрлаш йўсинлари ўзгармоқда. Босиб ўтган тарихимизни айл тарихига солиб, лийтдан идрон этмоқчимиз. Бизнинг барчамизнинг оруз нијатимиз, армонимиз муштарак. Ўзин ҳаммамиз турғунлигининг чангалдан теэроч қутулиб, ўз-ўзинимизни таниб, бутунги ва келажак авлоднинг шаъни-шавкатига муносиб инсон бўлиб яшаш иштиғи билан тўлиб-тошганмиз. Биз осийшталликни, тинчликни, эгулик ва бахт-саодатни, ҳар бир хонадоннинг обод ҳамда фаровон бўлишини оруз қиламиз. Бу орузларимиз бутунги кунда илк кўртакларини кўрсатаётир. Секинлик билан, машақат билан бўлса-да, жумҳуриятимиз иқтисодиёти ўзини ўнглаётир. Қишлоқ аҳлига ер ажратилмоқда: оналарга, бева-бечораларга, ёш болаларга-ю, ногиронларга, барча ветеранларга, талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш бошланди. Ун минглаб уй-жойлар қуриляётир. Қадимий жаҳоншумул маданиятимиз бутун борлиги ва иқтидор билан қайта тикланмоқда. Унутилб кетган, ман қилинган байрамлар ва анъаналар халққа қайтариб берилмоқда, одамлар қалбиди ишонч, меҳр-муҳаббат, шафқат уйғонаётир.

булар! Дунёда Узаро ноаҳилликдан, манманлик ва ўринсиз гна ва кудуратлардан кўра хавфлироқ нарса йўқ. Жумҳуриятимизнинг азиз фуқаролари! Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди сизларга мурожаат қилади: миллатчилик ва шовинизмга қарши, одамлар ўртасида адоват уруғини сочувчиларга қарши тинмай курашингиз, юртдошларимиз осийшталлигини таъминлаш учун яқдил бўлинг. Афуски, бу осийшталлик баъзи жойларда бузилди, одамларда ҳадик ва кўрув ҳислари пайдо бўлди. Натияжада аҳолининг ҳаловати бузилиб, ҳаёт мароми издан чиқа бошлади.

Сизларга мурожаат қиламиз, азиз ва заҳматкаш қишлоқ аҳли! Табаррук тўпроғимизнинг неъматларини, фаровонликни сизларга тасавур этиш сирам мумкин эмас. Дастуримизда турган насбамиз — номиниз сизнинг тўғрелик. Ундан баҳраманли бўлаётганлар кимлар, қайси миллат вакили эканлигининг аҳамияти йўқ. Аммо у ким бўлишидан қатъи назар қардош қўлларингизни ўлиб, таваф қилиши муҳимдир. Шунинг учун ҳам бободоҳдон деган муқаддас номни бундан буён табаррук тутайлик.

Сизнинг соғлом фикрингизга ваҳшат соясини солувчи кимсаларнинг ичлари қора, нијатлари бузуқдир. Ёшликка дўстлик, аҳиллик ярашади. Буни сира унутманг! Фан, маданият, санъат вакиллари! Зиёли ўртоқлар! Сизларга мурожаат қиламиз: Шунинг унутмангки, зиёли деган ном нур манбаи дегандир. Сиз халқнинг виждони, элининг овози ҳисобланасиз. Зиммангиздаги буюк масъулиятни сира ҳам унутманг. Бир оғиз ноўрин сўз, ўйламай ташланган қадам қандай оқибатларга олиб келиши сизга аёндыр. Маданият, тил, урфу одатларга, инсоният анъаналарига посбонлик қилинг, айни чоғда халқларни тотувликка чорланг!

### СССР—АҚШ: АМАЛИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ВОСИТАСИ УЧУН

Миннеаполис (Миннесота штати), 5 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Илгари хабар қилингандек СССР Президентини яншидан кўриб ўтишга савдо-саноат делегатлари ва аграрларнинг делегацияси Вашингтон учрашувига йқин ясадик, бу учрашувнинг тарихга ишонч ва умидбахш учрашув сифатида киришга шубҳа қилмайман.

### Президентлик кенгашида ййгилиш

Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоатчиликнинг қонунбузарликларининг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятини мулофиқлаштириб туриш учун 27 март кунин СССР Президенти кенгашида тузилган гуруҳнинг ййгилиши 4

июнь кунин А. Н. Яковлев раислигида бўлиб ўтди. Қонунийликни, хуқуқ-тартиботни ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалаларини муҳокама қилишда СССР Президентлик кенгашининг аъзолари В. А. Крючков, В. В. Бака





